

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

35 **Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-3*

(2010 йил 7 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) 7, 17 ва 51-моддаларига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 декабрдаги ПФ–4158-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқномага (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 18-сон, 229-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк
раиси в.в.б.**

Қ. РОФИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 26 декабрь,
38/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил
26 декабрдаги 38/10-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банд қуйидаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Улгуржи савдо корхоналари — ягона солиқ тўлови тўловчилари (улгуржи дорихона ташкилотлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи ихтисослаштирилган улгуржи база-идоралар бундан мустасно) миллий валютадаги асосий ва иккиламчи ҳисобварақларини улар юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган туман (шаҳар)даги тижорат банклари ва (ёки) уларнинг филиалларида очадилар».

2. 8-банд қуйидаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳисобварақлар очиш учун ҳужжатлар мижознинг имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчасида кўрсатилган ёки мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахслар томонидан шахсан тақдим қилинади».

3. 16-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норезидент юридик шахслар (иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари), шунингдек норезидент-

ларнинг Ўзбекистон Республикасида қонунчилик билан белгиланган тартибда фаолият юритаётган доимий муассасалари миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:».

4. 32-банд қўйидаги таҳрирда учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Касаба уюшмалари бирламчи ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча уларнинг юқори турувчи касаба уюшмалари бирлашмаси томонидан тасдиқланиши мумкин».

5. 46-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, қонунда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно».